



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI
OQDARYO TUMAN HOKIMINING
QARORI**

141000, Loyish sh., Amir Temur shox ko'chasi 39-uy.

20²¹ -yil 23 - fevral

63-Q -son

Loyish sh.

“Янгихаёт” Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2021 йилда наъмунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй-жой учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги низом, туман ҳокимининг 2013 йил 224-Қ-сонли қарори ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжинеринг компаниясининг 2020 йил 10 декабрдаги №01-3176-сонли хати шу билан биргаликда туман ҳокимининг 2015 йил 20 ноябрдаги 53-Қ сонли Фармойишига асосан туманда ўтказилган ҳатлов натижаларига кўра мазкур уй-жой фуқаронинг ўзига тегишли эканлигини ҳамда Қамаров Зоҳид Худоёровичга вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан уй-жой қуриб берилишини инobatга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжинеринг компаниясининг 2020 йил 10 декабрдаги №01-3176-сонли хати инobatга олинсин ҳамда туман ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг 2021 йил 26-февралдаги хулосаси тасдиқлансин.

2. “Янгихаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Қамаров Зоҳид Худоёровичга вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан қурилиши мўлжалланган уй-жой учун ўзининг фойдаланувида бўлган ер майдонидан истисно тариқасида 0,04 га ер майдони ажратилсин.

3. Ер участкасини натурага кўчириш ишлари “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУКнинг ваколатидаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош Архитектору (Ж.Абдуллаев) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи (Ф.Ядгаров)лар зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

 Н. Сулаймонов